

ТАРИХИЙ МАҚБАРА ТАСВИРИ

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи

катта илмий ходими

Валиева Ҳадияхон

Инсон дунёга бир марта келади. Унинг томонидан бунёдга келган яхшилик эса бир умр ёддан чиқмайди. Чунки, эзгулик абадийдир. Зеро шундай экан, биз ҳам ўз аجدодларимиз каби келажак авлодга муносиб мерос қолдиришимиз даркор.

Зеро, она-Ватаннинг кўҳна ўтмиши, бой тарихидан сўзловчи тилсиз гувоҳлар-осора атиқалар, ўтмишда ўтган буюк алломалар, мусаввирлар, олимлар, улар қолдирган нодир ноёб, бизгача сақланиб қолган меъморий обидалар, мақбаралар айниқса ўсиб келаётган ёш авлодга аجدодлар кечмишидан хабар уларни асраб-авайлаш бизларнинг бурчимиздир.

Наманган вилояти тарихи давлат музейида сақланаётган Наманганлик мусаввирлар томонидан чизилган гузал асарлар ичида, таниқли мусаввир Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси Алижон Турдалиев тарихий шахслар ва замондошлари портретлари билан машҳур бўлсада, унинг томонидан ўзи туғилиб ўсган юртига бағишланган тасвирий санъат асарлари кўплаб яратилган. Масалан, “Ахсикент, XII аср (1994й Вилоят маданияти ва тарихи Давлат музейида сақланади),” “Ахсидаги якка уй” (2008й), “Рассом хонадонида куз” (2015й), “Ахси кўчаларида куз” (2015й.)” “Сирдарё бўйларида” (2016.), каби рангтасвир асарлари халқимизга таниш. Ахсикент қалъаси ва Ахси манзаралари тасвирланган график асарлари ҳам талайгина.

2015йилнинг август ойида ўзига қараб чизилган “Эшони Калон Абдулмонийхон мақбараси” тасвири (40x30.Қ.,к). Унда Ахси қишлоғи “Яккатом” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Хўжа маҳалла қадимий қабристонидаги Эшони Калон Абдулмонийхон ҳазратнинг ғиштли қабри ва унинг олд қисмидаги чиллахонаси тасвири қалам билан график тарзда ишланган.

Чиллахонанинг ички киравериш томонида икки табақали эшик, унинг рўпарасида кичиккина эшик бор. Худди шу эшикдан ғиштли қабр томон ўтилади. Чиллахонанинг усти тўрт қаторли шифер билан омонатгина ёпилган. (Эҳтимол замона зайли билан бу бинони шундай эҳтиётлаш чораси қўрилгандир. Афтидан бу 1980 йилларда ўрнатилган бўлса керак). Чиллахона биноси олд қисми икки бурчагида тўртбурчак минора қўтарилиб, унинг юқорисига дум-думалоқ шар шаклида қаттиқ материалдан тўпча ўрнатилган. Ўша юмалоқ шар ва унинг тўртбурчак тағлигигина бинога бироз тантанаворлик ва кўрк бериб туради.

Бинонинг кириш олди қисми бироз кенгрок, орқа томони эса, кичикрок ва у юқорига қисқариб борган. Айнан шу жиҳат бинога ўзига хослик беради.

Қабрнинг тағлиги супа шаклида қўтарилган, четлари эса ғишт билан маҳкамланган. Тағлик супанинг устки марказида Эшони Калон Абдулмонийхон ҳазратнинг қабри меҳроб шаклида пишган ғишт билан қўтарилган. Темирдан панжараланган. Қабрнинг ўлчами 120 x 250 см. ҳажмида, тағлик супа 400x600см кенгликда. Қабрнинг олдида 1метрлар баландликда мрамртош қўйилган. Ундаги ёзувлар хиралашиб ўчиб кетган.

Маҳалла айтишича, чиллахона ичига қўйилган мрамртошда ҳийла аниқроқ ёзув бўлган. Бироқ бу тош археологлар томонидан тадқиқот учун олиб кетилиб қайтариб олиб келинмаган. Ана шу тошдаги ёзувда ушбу қабр ва ундаги майит ҳақида малумотлар бор деб умид қилинади.

Тасвирда ҳазрат қабрининг жануби томонида ёғоч панжарали қабр ва унинг пастида кичикрок яна бир чоғроқкина панжараланган қабр ҳамда баландлиги пастлаб бораётган бир неча қабрлар кўринади.

Шу нарсани айтиш мумкинки, Аҳси тарихан муқаддас юрт, тупроғи тоза ва ўта ёпишқоқ бўлгани сабабли у лойга айлангач, сирач ҳолига келиб жуда қаттиқ бўлади ҳамда ҳадеганда эриб кетавермайди, шу боис бошқа жойлардагига қараганда мазорлар Аҳсида кўпроқ йиллар туради ва узоқроқ сақланади.

Тасвирнинг орқа фондида баланд девор ортида Эшони Калон Абдулмонийхон номига қўйилган жомеъ масжид ва унинг оддийгина қурилган айвонлари қўринади

Маҳалла аҳлининг сайъи-ҳаракатлари билан бу улуғ ҳазратга эътиқоди ва эътибори, саҳовати ва ҳамжиҳатлигида “Калон Абдулмонийхон” мақбараси қайта тикланди. Зиёратгоҳнинг қуббали ва жуфт минорали баланд дарвозахонаси ҳам қуриб битказилди. Шу кунларда ички ва хорижий сайёҳлар ташриф буюрувчи зиёратгоҳга айлантириш ҳаракатлари қизғин олиб борилмоқда.

Шу маънода олганда рассом А.Турдалиев томонидан ўша пайтдаги ўзига қараб чизилган мақбаранинг эски ҳолатининг тасвири қимматли тарихий экспонатга айланиб, тарих зарварақларига муҳрланиб қолди.

Алижон Турдалиевнинг жуда кўп асарлари Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида сақланади ва вақти-вақти билан кўргазмаларда намойиш этилади, музейга ташриф буюрган ўқувчилар, талабалар, чет-элдан ташриф буюрган саёҳатчилар томонидан муносиб баҳоланиб келинмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Тамаддун” журнали, 4-сон 2021 йил 10-бет
2. Интернет материалларидан.